**Қонун лойиҳаси — муҳокамада**

# «Айблаш фикри»ми ёки «Айблов хулосаси»?

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида прокуратура мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилувчи марказлаштирилган тизим таркибида фаолият кўрсатиши аниқ белгиланган. Энг муҳими, лойиҳада прокуратуранинг ҳуқуқий ҳолатини нафақат сақлаб қолиш, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қонунийликни таъминлаш борасида самарали имкониятга эга бўлган давлат органи сифатидаги мавқеъи кўп жиҳатдан мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, лойиҳанинг айрим қисмларига бир қатор таҳририй ўзгартишлар киритилса янада яхши бўларди. Бизнингча, лойиҳанинг 1-моддасидаги «ҳамда» боғловчиси ортиқча. Шу боис уни матндан чиқариб ташлаш лозим. 2-моддадаги фуқароларнинг сўзи ўрнига «инсон ва фуқаро» сўзларини қўшиш керак. Чунки лойиҳада фуқаролиги белгиланмаган ёки фуқаролиги бўлмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — прокуратура органлари вазифаси предметидан ташқарида қолган.

Лойиҳанинг 21-модда, 5-қисмидаги «оғзаки ёки ёзма» жумласини матндан олиб ташлаш мумкин. 29-модда, 3-қисмдаги «Айблаш фикрини тасдиқлаган прокурор», жумласини ўзгартириш лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 385-моддаси, 1-қисми, 2-бандида прокурорга «айблов хулосаси»ни тасдиқлаш ваколати берилган, лекин процессуал қонунчиликда «айблаш фикри» институти мавжуд эмас.

**Толибжон УМАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти прокурори ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, адлия катта маслаҳатчиси.**

**Ободончилик**

# Маҳмуд отанинг кўчатлари



***Урганчлик Маҳмуд ота Олимов бу йил умрининг саксон иккинчи баҳорини қаршилаяпти. У узоқ йиллар қурувчилик қилди. Эгаллаган касблари ҳам кўп. Дурадгор ҳам, ғишт терувчи ҳам, керак бўлса сувоқчи ҳам ўзи эди.***

***Ўн йилча олдин устачиликни шогирдларига топшириб, уйида оёқ ёзиб ўтирмоқчи бўлди. Лекин шу ишни уддалай олгани йўқ. Ўзида бир қўшимча қувват сезди. Зеро, янги замонлар келганди. Каттаю кичикда элга, ишга иштиёқ ортди. Унинг кўнглида ҳам янги ҳавас туғилди. Яъни, мевали дарахтлар кўчатларини етиштиришга бел боғлади.***

Балки янгиланишлар унинг фикру хаёлларида ноёб ниҳоллар бўлиб жонлангандир. Эҳтимол, хайрли ва эзгу иш савобларини ўйлагандир. Ҳар ҳолда, у ниятини амалга оширишга астойдил киришди. Мўъжазгина боғида имкони бўлган даражада кўчатлар етиштира бошлади. Шу тариқа собиқ қурувчи ва ҳаваскор соҳибкор, бинойидек боғбонга айланди.

Маҳмуд ота, терак жуда керак, гужум ҳам муҳим, деб ҳисоблайди. Ўзи эса шарт-шароитлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб, мевали дарахтлар кўчатлари тайёрлайди. Қадимий воҳада ноёб бўлиб қолган аннопийда (чилонжийда), нашвати ва Ҳазорасп олмасини жуда авайлаб-асрайди. Қолаверса, кўчатларини ишончли қўлларга, бепул, фақат бир шарт билан, ўсиб-униши керак, деб тайинлаб топширади.

Ота бу йил минг тупга яқин кўчат етиштирди. Унинг бир қисмини шаҳардаги 6-маҳаллада истиқомат қилаётган қўни-қўшниларига туҳфа этди. Яна бир қисмини Хотира майдони атрофидаги боққа экиш учун берди.

Яқинда отанинг 100 тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари Замахшарий боғига экилди. Бунда унинг ўзи ҳам иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари сифатида ардоқда бўлган кўплаб дўстлари билан бирга кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол иштирок қилаётган шаҳарликларга, ёшларга оқ фотиҳа берди.

Умуман олганда, Замахшарий боғида бир кунда икки минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари қад ростлади. Маҳмуд ота ва бошқа фахрийлар ихлос билан ерга қадаган кўчатлар алоҳида эътиборга олинди.

Боғ чеккасида бунёд этилган «Қурбон ота» тўйхонасидаги дам олиш вақтида Маҳмуд ота шундай сўзлар айтди: Боғи борнинг бахти бор. Дарахт кўкартирганнинг ўзи ҳам кўкаради. Наврўз — қут-барака байрами. У юртимизга бағрибутунлик, омонлик, фаровонлик олиб келсин. Куну-тунги ниятимиз шу.

Маҳмуд ота ўзи етиштирган кўчатларининг бир қисмини «Авесто» боғи учун асраяпти. Унинг бу нияти ҳам шу йил ушалиши, табиий.

## Ғойбу баҳори

Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида Наврўз байрамига тайёргарлик бу йил анча барвақт бошланди. Аввалambor, кўп миллатли ғойбуликларнинг ташаббускор ва тадбиркор эканликлари бунга сабаб. Қолаверса, вилоят марказига туташ, ҳамманинг кўз ўнгидаги қишлоқда «Отни сал олдинроқ қамчиламаса» ҳам бўлмайди.

Ғойбуда ўтган йили учта гузар, бир нечта кичик корхона Дўстлик маркази, бозорча ташкил этилган эди. Қишлоқ аҳли шу жойларни бугун ясантириб қўйишга киришган. Ахир тўрт тарафдан меҳмонлар келади. Байрам катта бўлади.

Шу пайтгача 30 километр узунликдаги ички йўллар, ариқ-зовурлар тозаланиб, ободонлаштирилди. 6 минг тупдан зиёд манзарали, 4 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Яна 30 минг тупга яқин кўчат экиш режалаштирилган.

Лола Ниёзматова — қишлоқнинг кўкаламзорлаштириш жонкуярларидан бири. У тут дарахтини кўпайтириш учун фаоллик кўрсатмоқда. Ўзига ажратилган томорқа ҳамда махсус ер майдонида бу йил 10 минг туп тут кўчати етиштирди. Яқин кунлар ичида улар қишлоқ йўллари бўйларига экилади.

Ғойбуда 75 нафар ногирон, кам даромадли оила алоҳида ҳисобда. Қишлоқ фаоллари уларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. С. Қаландаров номли ширкат хўжалиги уларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 100 минг сўмдан зиёдроқ маблағ ажратди. Бу кўрсаткич байрам арафасида яна ортиши, табиий. Қолаверса, қишлоқда ҳомий ташкилотлар ҳам кўп. Жумладан, «Ғойбусут» кичик заводи хайру саховат тадбирларига фаол қўшилади.

Сўзимиз аввалида Ғойбуни кўп миллатли дедик. Дарҳақиқат, қишлоқда 2 мингдан зиёд туркманлар, 120 нафардан кўпроқ қозоқлар аҳилликда истиқомат қилишади. Наврўз айёмларида қишлоқ аҳли турли тилларда, лекин бир мавзуда қўшиқ куйлашади. Яъни, жонажон Ўзбекистон, унинг байрамлари, буюк келажаги жўр овозликда мадҳ этилади.

— Байрам куни қозоқ дўстларимиз дўмбирасини, туркманлар чилдирма созини чалиб, маданият уйимизни тўлдиришганда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси О. Қаландаров, — тўлқинланмаган одам қолмайди, куй-қўшиқларимиз ўзимизнинг ўзбек оҳанглари билан қўшилиб, куч-қудратимиздан дарак беради.

Қишлоқда байрам кунида ўтказиладиган тантаналарга, Наврўз муносабати билан илғорларни, ижодкору бунёдкор ғойбуликларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданият уйини янгича безатиш тадбирлари қўрилмоқда.

Ғойбудаги тайёргарликлар вилоятнинг байрам сафарбарлигидан бир шингил холос. Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тадбирлари барча шаҳару қишлоқларда авж олмоқда. Маҳаллий шароитларда Наврўз байрамидан кейин ҳам тадбирлар давом этиши инобатга олиниб, шаҳар ва туманлар марказлари, қишлоқлар, аҳоли яшаш пунктларини кўкаламзорлаштириш, вилоят ҳудудида 21 февралдан бошлаб ободонлаштириш икки ойлиги ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. 10, 11 ,17, 18 март кунлари вилоятда оммавий кўчат экиш кунлари деб белгиланди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# "Жейнов" тамғаси билан







*Усмон Юсупов туманидаги "Жейнов" ширкат хўжалигида янги сут заводи ишга туширилди.*

*Швейцария технологияси асосида Исроилнинг "Эйнаб" фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган бу кичик сут заводи туманда ягона ҳисобланади. Завод энг илғор технология асосида ишлайди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Шу сабабли ҳозирданоқ корхона маҳсулотларига талаб кундан кунга ортмоқда.*

— Завод технологиясини сотиб олишга 300 минг АҚШ доллари сарфланди, — дейди корхона ташаббускори, "Жейнов" ширкат хўжалиги раиси Муродулло Саидов. — Технологиянинг ихчамлиги ва замонавийлиги бизга жуда манзур бўлди.

Сут заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, энг аввало, туман халқ таълими бўлимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда Жейнов қишлоғи аҳолисига етказиб берилмоқда. Шунингдек, Қарши шаҳридаги савдо дўконлари орқали вилоят марказида яшовчи аҳолига ҳам сотилмоқда.

**СУРАТЛАРДА: операторлар (чапдан) Искандар Оллобердиев ва Илҳом Ғойибов; лаборант Вазира Тўрақулова иш жараёнида.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**



# Ота фарзанди учун вақт топаяптими?

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бизда фарзанднинг ота-она олдидаги ҳақи, бурчи ҳақида кўп гаплар айтилган, муқаддас оятлар, ҳадис ва ривоятлар бор. Шу боис бу борадаги аҳвол бизда Америка ёки Европадагидан яхши, ҳатто ҳавас қилгулик, ўргангулик. Лекин ота-онани, айниқса, ОТАнинг фарзанди олдидаги бурчи-чи? Биз, айниқса, бугун ота ёки она сифатида фарзандимиз олдидаги бурчимизни тўла адо этаяпмизми? Едириш-кийдиришдан ташқари, ОТА сифатида фарзандимизнинг ахлоқи, маънавий-маърифий оламини шакллантиришга ҳам таъсир ўтказаяпмизми? Ёки бурчимиз фақат уларни едириш-кийдиришдангина иборат бўлиб қолмаяптими? Очиқ айтиш керак, бозор иқтисоди даврининг ўзига хос томонлари ҳам борки, биз унга ҳар жиҳатдан тайёр бўлишимиз, акс-таъсир ўтказа олишимиз керак. Бу ҳолат, айниқса, турмуш тарзимизда иқтисодий омилларнинг етакчи ўрин тута боришида намоён бўлади. Шарқ оиласида истаймизми-истамаймизми, ОТА асосий ўрин эгаллайди: унинг фарзандларининг тарбияланиши, илму-маърифат эгаллашидаги хизматлари беқиёс бўлиб келган ва бугун ҳам шундай бўлиши керак. Ҳеч бир кузатганмисиз яқин ўтмишимизни. Собиқ совет даврида кўпроқ лавозимли кишиларнинг фарзандлари «эркатой», очиқроқ айтганда, ахлоқсиз чиқарди. Бунинг сабаблари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Оилада ОТАнинг ўрни йўқ эди, ОТАнинг ўрни оилада кеча ва кундуз ҳам, шанба ва якшанбада ҳам «бўш» турарди — Ота доим иш билан банд эди...

Дарвоқе, бугун-чи? Ишдан бўш вақтимизда фарзандимиз учун вақт топаяпмизми ёки ҳозир ҳам бўш вақтимизни, асосан, чойхонаю, «гап-гаштак»ларда ўтказаяпмизми. Кулгули ва ачингулик жиҳатларимиз ҳам, таассуфки кўп. Кўп бор гувоҳи бўлганмиз, имкониятимиз оз эканига қарамай, қарз олиб бўлса ҳам тўй-ҳашам қилишни, шунинг билан ўзимизни элу юртга кўз-кўз этишни хуш кўрамиз, лекин фарзандимизнинг маънавий-маърифий эҳтиёжлари учун ҳаммамиз ҳам «ҳиммат» кўрсатолмаймиз. Бу битта жиҳатимиз, холос. Яна қанчасини санашимиз мумкин. Яқинда бир воқеанинг шоҳиди бўлдим. Арнасойга боришга тўғри келди. Самарқанд йўлининг Мирзачўл туманига бурилишида тушиб қолдим. Совуқ. Автобус камлиги учунми, бекатда одамлар тирбанд. Орасира келаётган «такси»чилар ҳам узоққа эмас, шу орада қатнашаётган экан. Бекатда икки соатга яқин туриб қолдим. Изғирин суяк-суягимгача ўтгандай бўлди. Лекин менинг ўзимдан ҳам кўпроқ эллик ёшлар чамасидаги аёл билан бирга турган, юпун кийинган 8-10 ёшлардаги қизчага ичим ачиди. Совуқ ўтганидан юз-кўзлари ҳам кўкариб кетди.

— Қаёққа бораяпсизлар, — деб сўрадим.

— Уйга.

— Уй узоқми?

— Йўқ, шу ердан 10 километр чиқади.

— Бу кимингиз бўлади?

— Кенжа қизим.

— Кўкариб кетди-ку, «такси» билан кетсангиз бўлмайдими?

— Бўладику-я, иккимизга 300 сўм деяпти-да.

— Пулингиз йўқми, бўлмаса юринг, мен бераман, — дедим қизчага ачинганимдан.

— Йўқ, борку-я...

Шу орада пўрим кийинган икки аёл келиб қолди. Тўрт киши бўлиб, «такси» ёлладик. Она қизчасини қўйнига олди. Аёллар — «тиллачи»лар экан. Опага тилла тақинчоқ олмайсизми, ўзимизникидан — яхшисидан бор, деди. Опа тилла узукка қизиқиб қолди. Олиб қўйсам зарар қилмайди, деди. Йўлда савдо ҳам пишди: 18 минг сўмга келишишди. Улар қолди, мен йўлимда давом этдим... Ана шундай, биз нафақат тўй-ҳашамни хуш кўрамиз, балки ўта йиғинчоқмиз, энг ёмони, уларни фарзандимиздан ҳам устун қўя оламиз.

Шундай оилалар ҳам борки, фарзанд отанинг измидан бир қадам нарига чиқмайди. Йўқ, қўрққанидан эмас, азбаройи ҳурмат қилганидан, отанинг оталик бурчини ўтаганидан — тўғри тарбиялаб, ўқитганидан, касбли-ҳунарли қилганидан... Лекин бундайлар ҳамма эмас-да. Қолаверса, гап ҳам ана шу ерда-да. Яшириб нима қиламиз, Абдулла Қодирий бундан саксон йилча олдин «айб» санаган «ота-она орзуси»дан ҳали ҳам воз кечганимиз йўқ. Фарзандимизни «орзу-ҳавас», деб ўн саккизга тўлар-тўлмас уйлантириб қўямиз. Бу ёшда у ҳали на бир касбнинг қўлини тутган, на бир одам таниб, дунё кўрган, на мустақил рўзғори — уй-жойига эга бўлмайди. Тараққий топган мамлакатларда ундай эмас. Бир касб-корни эгалламагунча, иш, уй-жойга эга бўлмагунгача оила қурмайди. Энди ўйланг: қай бири афзал? Тўғри, бозор иқтисоди бизни ҳам аста-секин ана шунга ўргатаяпти, мослаштираяпти. Лекин бу жараён стихияли эмас, онгли равишда тез кечса, миллат фақат ютади.

Оилада отанинг масъулияти, дарҳақиқат, катта. Айниқса, бугун, жамият янгиланаётган — ташқаридан кўп омиллар, таъсирлар кириб келаётган, турмуш тарзимизга ўрнашиб қолаётган паллада. Муборак ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Кишининг ўз қарамоғидаги кимсаларга бепарво бўлиши унинг гуноҳкор эканлигига кифоядир». Қаранг, отанинг фарзандига бепарво бўлишининг ўзи унинг гуноҳкорлигига кифоя экан. Чин-да, ана шу «бепарво»лик эртага жамият учун катта ва кичик иллатларнинг пайдо бўлиши, илдиз отишига сабабчи бўлиши мумкин, очиғини айтганда, сабабчи бўлаяпти ҳам. Турли бузғунчи оқимларга, Ғарбнинг «ашқол-дашқол»лари — модаси, мусиқаси, киносига эргашаётганлар, тақлид қилаётганлар, асосан, кимлар? Ёшлар — фарзандларимиз эмасми? Нима, ўша болаларнинг оталари йўқмиди, оналари йўқми? Бор бўлса, қаёққа қарашаяпти, улар? Эҳтимол, улар ҳам худди биздай фарзанди учун вақт топмаётгандир, ҳадиси шарифда айтилганидай «бепарво» бўлгандир... Назаримда, айни пайтда, мактаб, коллеж, лицей, университет, яъни ўқув муассасалари билан ота-она муносабатларининг мониторингини ташкил этиш керакка ўхшайди. Ва ана шу асосда тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда бола назоратсиз қолмайди. Барча иллатлар назоратсизлик оқибатидан келиб чиқаяпти. Уйда ота-она бепарво бўлса, мактаб эса «ота-онаси бор-ку, қарайди-да» деса, «отангга бор, онангга бор»нинг ўзгинаси бўлади. Янги «Камолот» ҳаракати эътиборини масаланинг ана шу жиҳатига қаратса, фойдали бўлади. Эҳтимол ҳаракатнинг таркибида ота-оналар билан мунтазам алоқа қиладиган қандайдир шўъба ёки муассаса керакдир.

Шарқда, айниқса, биз ўзбекларнинг оиласида отанинг масъулияти ана шундай улуғ. Ва бу масъулият фарзандни фақат едириб-кийдиришдангина иборат эмас. Шундай экан, Сергели туманидаги психологларнинг мактаб ўқувчиларининг ота-оналарига мўлжаллаб тайёрланган «Анкета» саволларини имкони борича мамлакат миқёсида қўллаш керак. Бундай тажрибалар бошқа туманларда ҳам бўлиши мумкин. Нимага? Чунки зора барча ота ёки оналарда биздагидай: «Мен фарзандим учун вақт топаяпманми? Мен фарзандимнинг қизиқишларини, интилишларини, саъй-ҳаракати, хоҳиш-истакларини биламанми?» деган савол пайдо бўлса, аниқроғи, «анкета»даги саволлар уларни ҳам безовта қилса, ўйлашга, фикрлашга, алал-оқибат маърифатпарварликка ундаса, энг муҳими, уларни уйғотса, уйғотолса...

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

# Банкирлар ва тадбиркорлар учрашуви

Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан Фарғонада ўтказилган амалий семинар кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар ажратиш, уларнинг банклар билан алоқаларидаги муаммоларга бағишланди. Анжуманнинг айнан Фарғонада ўтказилганлиги бежиз эмас. Боиси — кичик ва ўрта бизнес субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётида тобора муҳим ўрин тутаётир. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишида Юртбошимиз бу соҳанинг иқтисодиётимиздаги улуши 21,6 фоизга етганлигини таъкидлади. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич Фарғона вилоятида 13 фоизни ташкил этади, холос. Айрим туманларда ҳамон чет эл сармояси ҳисобига ишлайдиган бирорта қўшма корхона ташкил этилгани йўқ.

Жаҳон банки экспертлар гуруҳи раҳбари Нинс Ларсен амалий семинар қатнашчиларига дунёдаги ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратиш борасидаги тажрибалар ҳақида гапириб берди.

Семинар тадбиркорлар билан банкирлар ўртасидаги қизиқарли мулоқот тарзида якунланди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Маънавий суҳбатлар**

***Дунёнинг энг қадимги китобларидан бири бўлган "Авесто"нинг жаҳон маданиятида тутган салмоқли ўрнини кўзда тутиб, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябр ойида Парижда бўлиб ўтган ўттизинчи сессиясида "Авесто" яратилганлигининг 2700 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам 2000 йилнинг 23 март кунида "Авесто" яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ушбу ҳукумат қарорида "Авесто" 2700 йиллигини нишонлаш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш ишлари бораяпти.***

***Мана шундай шароитда республикамиз кенг жамоатчилигида: "Авесто" қандай ёзма ёдгорлик? У миллий ва умуминсоний маънавиятда қандай ўрин тутади? Бу қадимий китоб абадиятининг сирлари нимада?" деган саволлар туғилиши, табиий.***

***Тўғри, матбуотда "Авесто"нинг тарихи, бу ёдгорликнинг у ёки бу муҳим жиҳатлари тўғрисида таҳлилий мақолалар чиқиб турибди. Биз ушбу нодир ёдгорликнинг моҳияти тўғрисида газетхонларга имкон қадар бош-адоқли маълумот бериш мақсадида кўп йиллардан буён "Авесто"шунослик йўналишида самарали тадқиқотлар олиб бораётган олим, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий Саъдуллаев билан суҳбатлашдик.***

# «Авесто»

**— Анатолий Саъдуллаевич! Ҳозирги кунда "Авесто"га бизда ва халқаро миқёсда бу қадар катта қизиқиш туғилганлигининг боиси нимада?**

— Инсониятнинг энг ўткир маънавий эҳтиёжларидан бири шуки, у ҳамиша ўз илдизларини англашга интилади. "Биз — киммиз, қачон пайдо бўлганмиз ва қаёққа бораяпмиз?" деган азалий муаммо башарият тафаккурини доимо ҳаяжонга солиб, уни тинимсиз ва тийиқсиз изланишларга даъват этиб келаяпти. Бу саволлар бундан кейин ҳам ўткирлилигини сақлаб қолаверади. "Авесто" қадимги тарихимиз тўғрисида анча кенг ва анча бой маълумот берадиган ёдгорликдир. У дунёда биз билган ва чексиз эъзозлайдиган энг қадимги китоблардан биридир. Инсоният "Авесто" орқали ўз маънавиятининг кўпгина саволларига жавоблар топади. Марказий Осиёликлар, айниқса, биз — ўзбекистонликлар бу ёдгорликка талпинмаслигимиз мумкин эмас. Унда қадимги Туроннинг жўғрофияси, ҳудудий топонимикаси, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, сиёсий тарихи, диний ва маънавий фалсафаси ва бошқа кўпгина масалаларга энг ишончли ва энг ҳайратланарли жавобларни кашф этамиз. Тарихимизнинг асрлар мобайнида баҳсли бўлиб келган жиддий муаммоларига "Авесто" равшан ва тарихан ҳақиқий ойдинликларни киритади. Масалан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихи масаласини олайлик.

"Авесто"да ўзбек халқи ажлодлари заминдаги энг қадимги ва қудратли инсонлар сифатида тилга олинади.

*"Бу нодир китоб, — деган эди Президент Ислом Каримов, — бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий-тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, буни ҳеч ким инкор этолмайди".*

**— Энди"Авесто" қандай тарихий шароитда яратилганлиги тўғрисида суҳбатлашсак...**

— "Авесто"нинг дунёга келиши зардуштийлик динининг тарих саҳнасига келиши билан боғлиқ. Зардуштийлик (зороастризм) дини эса шунчалик қадимийки, антик дунё тарихчилари ва мазкур дин намояндалари ҳам унинг қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқ айтиб бера олмаганлар.

"Авесто" энг қадимги, зардуштийликкача бўлган диний анъаналарни ҳам қамраб олган. Заратуштра ана шу анъаналар руҳида тарбияланган бўлиб, улар унинг янги таълимотига монелик қилмаган. Бунда, энг аввало, табиат кучларини ҳурматлаш, қуёш, юлдуз, оловга сиғинишга чорловчи қадимги мадҳиялар назарда тутилмоқда.

"Авесто"нинг энг қадимги географик номлари Марказий Осиёнинг Хоразм, Сўғд, Бақтрия ва Марғиёна каби вилоятлари билан боғланади. Хоразм - "Авесто"нинг ватанидир. "Авесто" Хоразм тупроғида пайдо бўлган.

Беруний бобомиз зардуштийларнинг ўрта аср хронологик анъанасига асосланиб, бу дин асосчиси Зардушт (Заратуштра) таваллуди санасини македониялик Искандардан 258 йил аввал, деб белгилайди. Ана шу санага таянган ҳолда бир гуруҳ олимлар Зардушт милоддан аввалги VII-VI асрларда яшаган, деб ҳисоблайдилар. Бошқа тадқиқотчилар Зардушт яшаган даврни анча илгари, яъни милоддан аввалги XI-X ёки XII-XI асрлар, деб тахмин қиладилар.

Ривоятга кўра, Зардушт 30 ёшга тўлганида ҳақиқий дин таълимоти унинг қалбидан ўрин олган. Зардушт томонидан айтилган дил изҳорлари "Авесто" китобини ташкил этган. Зардушт (Спитама Заратуштра) ўта истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласуф олим бўлган. У этник ва диний зиддиятлар авж олган бир даврда яшаган. Худди шу асосларда уруш, босқинчиликлар кучайган, инсонлар бошига оғир жудоликлар келтирилган, шаҳарлар ва қишлоқлар вайрон бўлган. Қабилалар, турли диний эътиқодчилар ўзаро ёвлашиб яшаган. Мана шундай вазиятда Спитама Заратуштра, ягона худога ишонишгина мамлакатлар ва халқларни бу балолардан қутқаради, ҳаёт изга тушади, деб ҳисоблаган. Шу йўлда Заратуштра аввал ўз қавмлари ўртасида яккахудолик таълимотини тарғиб қила бошлайди. Бунинг учун "Готлар" деб аталган ва қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Заратуштра готларидан 17 таси "Авесто"нинг "Ясна" деб аталган қисмига кирган ва бизгача сақланиб келган.

Абу Райҳон Беруний "Авесто"ни "Абисто" деб тилга олган. Унинг ёзишича, "Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида "Абисто"нинг 12 минг қора мол терисига тилло суви билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (Александр Македонский) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери "Абисто"нинг бешдан уч, яъни 18 наски йўқолиб кетди. "Абисто" 30 наск эди, маъжусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди. Биз "Қуръон" бўлакларини "Ҳафтияк" деганимиздек, наск "Авесто"даги ҳар бир бўлакнинг номидир".

Милоддан аввалги 334-329 йилларда Искандар Эронни забт этганидан кейин, зардуштийларнинг ривоятларига кўра, Истахр шаҳрида сақланаётган "Авесто"нинг қисмларини оловда ёндиради. Лекин, Искандардан кейин милодий I асрда Парфия мамлакатида шоҳ Вологес I нинг фармонига биноан, "Авесто"нинг ёзма ва оғзаки қолдиқлари жамланди. Сосоний подшолар Ардашир I (224-241), унинг ўғли Шопур I (241-272) ва Шопур II даврида зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинди ва "Авесто" алоҳида китоб шаклида тикланди. Хисрав I (531-574) подшолиги даврида "Авесто" паҳлавий тилига таржима этилиб, бу изоҳли таржима "Занд" (яъни шарҳ маъносида) деб ном олди. Шу сабабли, бизгача етиб келган "Авесто"нинг кейинги нусхаси, аввалгисидан фарқ қилиб, "Авесто" ёки "Занд — Авесто" деб аталган. "Авесто" китоблари ёзилган тилни ҳозирги кунда авесто тили ва авесто ёзуви деб аталади, чунки бу тил "Авесто" туфайли маълум.

"Авесто"нинг ҳозир бизгача етиб келган матнлари тўрт китобни ўз ичига олади. Булар "Ясна" (дуолар ёки қурбонлик келтириш), "Висперед" (ибодат қўшиқлари), "Яштлар" (маъбудаларга мадҳиялар) ва "Видевдат" (девларга қарши қонун).

**— Халқимиз ўзининг кўз илғамас олис тарихида хилма-хил диний эътиқодлар ва маънавий изланишларни бошдан кечирган. Зардуштийлик-шулардан бири. Маълумки, бу диний таълимот заминимизда милодий VIII асргача яшаган ва амал қилган. Ҳатто ҳозирги турмуш тарзимизда, халқимизнинг урф-одатларида унинг акс-садолари сақланиб қолган. Мана, бугун Наврўз байрамини қайта нишонлаяпмиз. Ҳолбуки, бу азалдан Зардуштийлар байрами ҳисобланган. Бундай яшовчанликнинг сабаби нимада! Зардуштийлик таълимотининг маънавий фалсафасидаги энг муҳим жиҳатлар нималарда кўринади?**

— "Авесто"шунослар бу масала таҳлилига доимо катта эътибор бериб келганлар. Уларнинг фикрича, зардуштийлар тириклик ва ҳаёт асосчиси Ахурамазда даъватларига чуқур

